

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-ИЛ ЧИКИШИ.

№ 59 (4306).

25
МАРТ
ЧОРШАНБА
1970 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

ЭКИШГАШАЙ

Аброр Нурматов бошлиқ агроучастка аъзолари ўтган қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлаган эдилар. Улар бу йил ҳам ўтган йилдагидек муваффақиятларга эришиш учун курашмоқдалар.

Агроучастка далаларида иш қизғин. Қузда сифатли ҳайдаб қўйилган пахтазор ва дуборларга ҳозиргача 200 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит ташиб чиқаришди. Коллективга қарашли агрегатлар сифатли ремонт қилиниб, экинча шайлаб қўйилган. Мавжуд сугорил шохобча-

ларининг ҳаммаси тартибга келтирилди.

Бу ишларнинг муваффақиятли бажарилишида Шоди Худойбердиев, Эргаш Шерматов, Ташбой Қўлатов, Абдимурод Сайдуллаев, Маъмуркул Қодиров сингари илгор кишилар алоҳида намуна кўрсатмоқдалар.

— Юбилей йилида, — дейди агроучастка бошлиғи ўртоқ А. Нурматов, — мавжуд 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан, 50 гектар каноп майдонининг гектаридан 200 центнердан ҳосил

олишга аҳд қилинган. Бунинг учун бизда имкониятлар етарли. Яқин кунлар ичида ерларини текислаштириш ҳам тугалланган.

Оқдўғон районидagi Хамид Олимжон номи колхозининг бу агроучастка аъзолари экинчи мавсумига ҳар томонлама шай турибдилар.

Шунингдек, колхознинг Жумакул Примкулов бошлиқ агроучастка аъзолари ҳам экинчи сифатли тайёргарлик билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

С. МУСТАФОВ,
Х. АХМЕДОВ.

ТРЕСТ ИСЛОҲОТГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

«Республикамизнинг қатор қурилиш ташкилотлари планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий қилишга тайёргарликда. Агротредага «Ўзбекистон» трести коллективни шу йилнинг иккинчи ярмидан янгилаш бошлади.

Республика қурилиш министри, раҳбар партия ва совет ташкилотлари бу трестни тасофидан танлашмаган. Бу йилги қурилиш ташкилотининг иш ва аҳил коллективни бор. Трест фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланмоқда. Қурилиш ишлари планлари доим ортиғи билан адо этилган. Қўшимча қўлаб қўйиш олинмоқда. Меҳнатсевар коллектив бутун 1968 йил давомида СССР Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини, ўтган йилнинг иккинчи ва учинчи кваталларида эса Иттифок Қурилиш министрилик ҳамда қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касабасоюзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлади.

Трест қурилиш учун жуда ҳам юқули келган ўтган йил ҳам йиллик программани, беш йилликнинг турт йиллик топширигини мўддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлди. Биноқорлар 1969 йилда Охангаронда ҳар йил 960 километр асфальт қувирилган, ишлаб чиқарувчи завод, Ўрта-Сарой паррандчилик фабрикасининг бешинчи наботини фойдаланишга топширилди. Ангренда минг ўнўчига мўҳалла қилинган мактаб, 280 ўғиллик болалар босмаси, алоҳида ун, савдо мактабин бунёд этилди. Ўзгача қурилиш бўйича қўшимча иш ҳам ортиғи билан адо этилди.

Трест коллектив беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам энзимасига юксак мажбуриятлар олиб ишляпти. Барча бошқармалар ва участкаларда улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносаб совғалар билан қутиб олиш учун соғалар коллектив мусобақа авж олиб кетган. Айни вақтда иқтисодий ислохотни жорий қилишга ҳозирлик қилинмоқда.

Трест партия ва бирлашган касабасоюз комитетлари, хўжалик раҳбарлари иқтисодий ислохот мажбуриятини ҳар бир бўлиндор, инженер, техник ва хизматчи оғига сингдириш учун кенг кўламли тушунириш ишларини олиб бормоқдалар. Иқтисодий ўқув ташкил этилди. Барча бошқармалар ва йилга темир-бетон заводда ана шу муҳим кампанияга бағишланган иқтисодий конференциялар бўлиб ўтди. Хўжалик юртининг янги усулига ўтиш ҳақидаги масалалар бинокорлар йилги ишларида, партия ва касабасоюз активлари семинарларида муҳомада қилинди. Шу кунларда эса умумтрест иқтисодий конференциясини ўтказиш ва янги усулни жорий қилиш тартибин белгилашга қизғин тайёргарлик кўрилоқда.

Трестда бу соҳадagi ишлар бундан бир неча йил илгари бошланган. 1968 йилдаёқ трест иқтисодий фаолиятини текислаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланди. Меҳнат умумдорлигини ошириш, хўжалик ҳисобини жорий қилиш ва ички резервларни сақлаб қўлиш бўйича чоралар ишлаб чиқилди ва

амалга ошириларди. Қурилиш бошқармаларида, йилга темир-бетон заводда, ишлаб чиқариш-технологик комплексларда бошқармаларда иқтисодий анализ бюрolari ташкил этилди. Бу жамоатчи ташкилотлар шу кунларда ҳам самарали иш олиб бормоқдалар. Ҳозирги вақтда республика Қурилиш министрилик системасида хўжалик ҳисоби асосида ишловчи барча бригадаларнинг янги шу трестга ўтган.

Трест Ўзбекистонда биринчи қатори янги иш шартлоғига ўтказилишидан хабардор бўлган коллектив бу масала билан шуғулланувчи умумтрест комиссияси ташкил этилди. Трест бошқарувчиси Л. Терман комиссияга раҳбарлик қилди. Худди шундай комиссиялар трестнинг бошқа ташкилотларида ҳам иш бошлади.

Умумтрест комиссиясида бешта секция тузилган. Ишнинг илустрия даражасини ошириш, материалларни сарфлашни назорат қилиш ва чинида материаллардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш, меҳнатни илмий уюштиришни жорий этиш, фойдаланган харажатларни қамқатириш масалалари билан шуғулланувчи бу секциялар аниқгина иш қилди. Улар илгор технологияни жорий қилишга қаратилган амалий чораларни ишлаб чиқарди, лойиҳа ечимларини қайтадан қўйдилар. Рационализация бўйича ишларни қамқатирилди. Тармон графикларини жорий қилиш билан шуғулландилар. Асосий қурилиш жараёнини механизациялаш бўйича қатор чоралар қўйдилар.

Шу тўғрйли ҳам трестда ер ишларининг механизация даражаси 98 процентга, қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш 100 процентга, қўр ортиш-тушириш ишлари 99,6 процентга етди. Кичик механизация ҳам кенг жорий қилинмоқда.

Бу йил трестнинг 3-қурилиш бошқармаси 5,5 миллион сўмлик ҳажмда уй-жой қуради. Ана шу уйларнинг ҳаммаси учун тармоқ графиклари ишлаб чиқилди. Бунинг жорий қилишдан олинган иқтисодий самара тахминан 50 минг сўмга тақриб эътибор. Уй-жойлик комбинати ҳам худди шундай график асосида қурилмоқда.

Шунинг таъкидлаш керакки, бу йилдан бошлаб трест ИТЖ серияли анча яхшилланган уйларни қураб бормоқда. Трест инженер-техник хизматлари кучи билан шу уй-жой бинокорлари қуришда иш олиб бориш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Йилга темир-бетон заводда коллектив эса монолит санитария-техника кабинетини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Бу ҳар бир 64 кватиралар уйи қуришда меҳнат сарфийтини бир неча юз соат қамқатириш имконини беради. Трестга қарашли бу заводда айвонларнинг тақомиллашган элементларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу 10 минг сўм иқтисодий самара берди. Уй-жойларнинг таъмири қиёфасини бирмунча яхшилади.

Трест коллектив янги ҳақ усулга ўтиш учун қўшма тадбирлари амалга оширди, лекин ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар тўлиб-тошиб ётипти. Белгиланган барча чоралар ҳам мўддатида рўйга чиқарилади.

И. АХМЕДОВ.

ҚЎЗИЛАТИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК ҚЎЗИ ОЛИШ ПЛАНИНИ ОШИРИБ БАЖАРАЙЛИК



ИЛГОР ЧЎПОНЛАР

Илгор чўпонлардан Олоберди Қўшқов, Сотиболди Аҳмедовлар ҳар йили ҳам ўз меҳнатлари, чорвачилик касбининг пухта ағаллаштирилари билан бошқаларга намуна бўлиб келдилар. Улар отларидagi қўйларни ҳаммавақт семиз ва соғлом боқадилар. Қўламли қўзилатиш кампанияси бошланган кезларда бу пешқадамларнинг ишлари қўйилганга ўрнатилган бўлади. Айниқса Сотиболди Аҳмедов, Олоберди Қўшқов каби ўста чорвадорлар боқатган қўйлардан қўлаб жун қирқиб олинмоқда, уларнинг отаридаги қўйлар дурқун ўсмақда. Бу ишда алоҳида қўлаб қўйиш мутахассислар, айниқса бош ветеринарий врач Чоҳир Соҳибоевнинг ҳам хиссаси катта. Суратларда: (Чапдан ўнгга) А. Қўшқов, С. Аҳмедов ўртоқлар.

А. Абалан фотолари.



ҚЎЙЧИЛИК СОВХОЗНИ КОЛЛЕКТИВНИНГ МАЖБУРИЯТИ

ЯНГИЙЎЛ. (Телефон орқали олинди). Қўйчилик йилларида қўйчиликни ривожлантиришга рағбат қилинган. Янги йилда совхоз коллектив ўз элимасига социалистик мажбурият олиб уни адо этиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқда. Совхозда юбилей йилида қўйлар сови 45 минг бошга етказилиши мўлжалланмоқда. Чўпонлар бу йил ҳар юз совлиқдан пландаги 86 бош ўғиллик 100 бошдан қўзи олиш харажатида, Улар улуғ доҳий В. И. Ленин юбилейини қўзи олиш планини бажариш билан қутиб олишга аҳд қилинган.

Шу кунларда йилларда қў-

зилатиш кун сайин қўлаймоқда. Илгор чўпонлар совлиқлардан эгизак олиб, белгиланган планларини ошириб бажармоқдалар. Бу соҳада илгор чўпонлардан Сотиболди Қўшқовнинг отаридаги қўйлар иборатлидир. Бултур ҳам бу чўпон ўз отаридаги совлиқлардан қўзи олиш планини муваффақиятли бажарган эди. Бу йил ҳам у ҳар юз совлиқдан 100 тадан қўзи олиш ва уларни тўла сўқиб қўлиш учун курашмоқда.

Совхоздаги Абдуқодир Мусалев, Эргаш Пейсенов, Пулат Муратов, Бекен Қороев каби тажрибали чўпонлар ҳам қўзилатишни намунали ўтказмоқда-

лар. Уларнинг отарларидаги айрим совлиқлар эгизак ва ҳатто учтадан қўзиламоқда.

— Юбилей йилида ўз элимасига қўзи олиш мажбурият олдилар. Биз қўзилатишни муваффақиятли ўтказиш билан бирга пландаги 630 тонна ўғиллик 700 тонна қўзи етиштиришимиз. Қўйларнинг яхши семизлиги учун курашамиз. Уларнинг ҳар биридан икки килограммдан жун қирқиб олиб, давлатга 75 тонна жун етказиб берилди.

Қўйчилик йилларида қўйчиликни ривожлантиришга эришадиган бу совхоз ҳар йили ҳам

ем-хашак базасини мустаҳкам бўлиши учун ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам қўйлар қишлоқдан семиз ва соғлом чиқади.

Совхоз директори айтганидек, чўпонлар юбилей арафасида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир киши ўз элимасига олган шахсий мажбуриятини бажариш, 22 апрелда бўладиган катта байрамни муносаб қутиб олиш йўлида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Қўйчилик либосига бурканган йилларда қўйлар сонига қўйилган қўйилмоқда, эл бойлиги қўлаймоқда.

МОСКВАДА РСФСР ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

МОСКВА, 24 март. (ТАСС). Бутун Ўртаб соат 10 да Катта Кремль саройида РСФСР Езувчиларининг учинчи съезди очилди.

Делегатлар ва меҳмонлар президиумга чиқиб келган Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, М. А. Суслев, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катусев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соловьев ўртоқлари қизғин қутиб олишди.

Совет Иттифоқи Коммунист партияси Марказий Комитетининг Сийсий Бюроси составдан иборат фахрий президиум билан руҳ билан сайланди.

РСФСР Езувчилари союзи правленеининг раиси Леонид Соболев кириш нутқи сўзлаб, съездни очди.

Ўртабик мажлисда РСФСР Езувчилари союзи правленеининг секретари Михаил Алексеев проза тўғрисида доклад қилди.

КОЛХОЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНТАШИДА

24 март кунги Тошкентда Ўзбекистон колхозлари республика кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгашда колхоз тўғрисида янада ривожлантиришни муҳим масалалари кўриб чиқилди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон колхозлари республика кенгашининг намунавий низомий лойиҳаси тўғрисида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри, колхозлар кенгаши раиси Н. Ж. Худойбердиевнинг докладини муҳомада қилишди, шунингдек қишлоқда капитал қурилишнинг бореши масалаларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёни қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш чоралари ва бошқа масалаларни кўриб чиқиди.

Кенгаш аъзолари республика институтлари таъдим этган қишлоқ посеталарининг лойиҳалари ва бош планлари ҳамда колхозчилар уй-жойларининг лойиҳалари тавсиясини кўриб чиқиди. (ЎзТАГ).

ҚУРАМА ТОҒЛАРИ ЭТАГИДА

120 ТАДАН ҚЎЗИ ОЛИНАДИ

Шу баҳор дамида дала меҳнаткашлари таъминат фурсатдан унумли фойдаланиб, қатор тадбирларни амалга ошириб бормоқдалар. Чорвадорлар ҳам деҳқонлар сингари фаол меҳнат қилишляпти. Бўстонлик районидagi Карл Маркс номи колхоз чўпонлари қўзилаштириш совлиқларга, айниқса, алоҳида эътибор билан қарашляпти. Уларнинг мақсади ҳар бир совлиқнинг соғлом қўзиланишга, отарлардаги 3700 бош совлиқнинг ҳар юзтадан 120 тадан қўзи олишга қаратилган. Улар ана шу социалистик мажбуриятларини бажариш учун қизғин курашляпти. Чўпонлар чорва қишлоқини бу йил намунали ўтказишди. Чунки ўтган йилнинг илгари кунларида ем-хашак етишмай қолди, чорвага жиддий зарар етган эди. Бу ҳолийни қайтариш масаласи учун колхоз чорвадорлари етарли ем-хашак ҳозирлашди. Ана шунинг учун ҳам бу йилги қўй қўйлар учун анча яхши ўтди. Қўшдан совлиқлар семиз қилинди.

Сатимбек Усенқулов, Пулат Эргашев каби қатор моҳир чўпонлар қўзилатиш кампаниясига пухта тайёргарлик қўрган ҳолда киришдилар. Уларнинг ҳар бири ўз отарларидаги совлиқлардан 500—600 тадан қўзи олиш билан юбилей йилини якунлашга аҳд қилишган. Колхоз отарларида қўзилатиш ишлари қизғин давом этапти.

Х. МУРОВО.

Тоғ атаклари баҳор либосини кийган. Қўйларда қор қумушдек товланган бўлса, адирларда қўй-қўз ўт-ўланлар ўсиб, кишининг бахри-дилнин очди. Водийда қўй-қўзлар ёйилиб юрибди. Чўпонлар отарларини сойлардан адирларга, адирлардан сойларга ҳайдаб боқадилар. Мурғак қўйлар маърашиб, сакраб ўйнашади.

Чўпон Абдурахмон Қаршибоев ёйилиб юрган қўй-қўзларга меҳр кўла қўйлар билан қараркан, ўзининг касби, шу касбда йилгача ишлаганини, иш ишлаб келадиганини, кечирма-ларни қўйилганга ўтди. Бу даврда Абдурахмон тоғ бағирларида қанча-қанча йўллари босиб ўтмади, селларга, қор бўронларига дуч келди. Шунда ҳам қўйларини кўз қорачигидек асради, парварши қилди. Бултурги кишининг қаттиқ соғини унинг эсиндан асло чиқмайди. Отаридаги 450 дан ортиқ қўй соғомон қишдан олиб чи-

қилди. Қўзилатиш плани ошириб бажарилиди.

— Бу йилги қиш ҳам, мана баҳор ҳам чорвадорлар қўйилганга келмоқда. Ҳаммаган ем-хашакнинг ортиб қолди. Қўйларини барвақт йилгоҳга олиб чиқиди. Қўзилатиш бошланган шу кунларда совлиқларнинг қўйи эгизак қўзилмоқда. Биз уларни меҳр билан парварши қилиб бу йил ҳам қўзилатиш планини ошириб бажариш учун курашамиз.

Абдурахмон Қаршибоев отарида 500 совлиқ бор. Қўзилатиш яхши тайёргарлик билан бошланди. Шу кунларда бу иш қизғин тус олган. Чўпонлар ва бошқа мутахассислар қўйчиликни ривожлантиришда ҳаттич лувчи роль ўйнайдиган қўзилатиш ўтказиш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Шунингдек, Урта Чирчиқ районидagi 1-«Оҳангарон», Тошкент от заводи отарларида

ҳам қўзилатиш кун сайин қўлаймоқда. Биз юқорида ҳикоя қилган «Октябрь» совхозининг илгор чўпони Абдурахмон Қаршибоев сингари бу хўжалиқларда ҳам ҳар бир чўпон-қўзи ўз қўлидаги қўйларни яхши парваршилаб қўзилатиш планларини ошириб бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Урта Чирчиқ районуи облас тизмининг илгор чорвадор районларидан бири. Бу райондаги чорвачилик совхозларининг коллективлари юбилей йилида жамоат чорвачилигини ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, мамлакатга қўлаб қўйиш, сут, жун етказиб бериш учун бу соҳадagi белгиланган планларини янада амалга оширишга аҳд қилган эканлар, шу кунларда ўз сўзларининг устидан қиқиб учун астойдил курашмоқдалар.

А. АЪЗАМОВ.



Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозини комплекс ривожлантирган хўжалиқлардан. Бу ерда пахта, каноп ва бошқа экинлардан ҳар йили мўл ҳосил етиштирилиб, яхши натижаларга эришиб келинмоқда. Шу билан бирга чорвачилик соҳасидagi ишлар ҳам чакки эмас. Чорвадорлар давлатга қўлаб қўйиш ва сут етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу соҳада илгор чўпонлардан Қолжон Давлатбоев алоҳида намуна кўрсатмоқда. Ҳозиргача у ўз отаридаги 552 совлиқдан 350 та соғомон қўзи олди.

Суратда: Қ. Давлатбоев, И. Тудесбоев фотоси

ИЛГОР БРИГАДА

Шу кунларда 159-трестнинг 8-қурилиш бошқармаси бинокорлари ўртасида доҳийини В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик байрамини муносаб меҳнат совғалари билан қутиб олишга қаратилган мусобақа кенг қўлаб берилди. Барча объектларда иш жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

Қурилиш ишларини соғ ва сифатли бажаришда айниқса А. Массесин бошлиқ бригада аъзолари намуна бўлмоқдалар. Улар ишни пухта ташкил этиб

ўтган ойлар планиларини 130 процентдан ошириб бажардилар.

Ўз касбдошларига ўрнатилган 63 ёшли гинт терувчи Эшвой ота Нурматов нормани 1,5—2 ҳиссадан адо этмоқда. Хурматли отахон қўлаб қўйишга турли йилда А. Ражабов, А. Наумова, Э. Султонов, Х. Аҳмедов каби ўртоқлар нормани 140—150 процентдан бажаришляпти.

С. СУЛТОНОВ.

ЧССР президенти Л. Свобода Москвага келди

Монголия Халқ Республикаси ва Японияга расмий визит билан кетаётган Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Людвик Свобода 23 мартда Москвага келди.

Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромда қардош Чехословакия давлатининг бошлиғини СССР Олий Совети Президенти

Райс Н. В. Подгорный, СССР Олий Совети Президенти Раисининг ўринбосари М. А. Яснов ва бошқа расмий кишилар қутиб олди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БЕДА ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 МАРТГАДА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун-районлар, иккинчи стун-беда экин плавни, учинчи стун-экиннинг майдон, тўртинчи стун-экиннинг бажарилиш проценти, бешинчи стун—шу жумладан бошқа экинларга аралаштириб экинлан беда.

Ормонинида	850	850	100.0	820
Урта Чирчиқ	1700	1434	85.5	1287
Янгиқўл	2000	1636	81.8	1451
Биноқор	1800	1299	78.3	1299
Оқдўғон	2400	1827	76.1	1385
Бўстония	1700	1229	72.3	1209
Бўстония	390	264	67.7	133
Навлин	850	554	65.2	534
Юқори Чирчиқ	1430	722	49.8	197

Область буйича 13000 9835 75.7 8335

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙЛИК

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ

БАХТАСИДА

Илгари хабар берилгандек, меҳнаткашлар депутатлари област Совети ижроия комитети V сессияси бўлиб ўтди. Унда «Маҳаллий Советларда ижтимоий-оммавий ишларнинг аҳоли ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида» Олмалиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси В. Д. Лисин, Бўка район ижроия комитетининг раиси Р. Қ. Қодиров ўртоқларнинг докладлари тингланди.

Олмалиқ ва Охангарон шаҳарларининг меҳнаткашлари, — деди докладчи ўртоқ В. Д. Лисин, — доҳимиз В. И. Ленин тугилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда беш йиллик планини мўддатидан илгари бажариш мақсадида социалистик муСОБАГА қўшилиб, ўтган йилги ишларни янада яхшилаш ва халқ фаровонлигини янада оширишда катор ютуқларга эришилди. 23 саноат корхонасидан 20 таси планлаштириш ва итисодиий раббатлантиришнинг янги системасига ўтказилди. Бу тадбир ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга ёрдам берди. Шу йил Олмалиқ ва Охангарон шаҳарларининг меҳнаткашлари иттифоқчи республикалардан келган қардошлар кўмагида янги қисқа вақт ичида химия заводини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Кон металлургия комбинати, мебель фабрикаси, гўшт комбинати ва бошқа бир қатор саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 4 йиллик планни муваффақиятли бажардилар.

Машиини хизмат кўрсатиш тармоғи анча кенгайди. Беш йилликнинг ўрта йили ичда иккита йирк машиини хизмат кўрсатиш комбинати қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳоли жон ботишта машиини хизмат кўрсатиш 1965 йилдангига нисбатан деярли икки баравар кўпайди ва 12 сўм 28 ти. йилдангига тўғри келди. Ўттиз йил ичда савдо ва умумий ошватлашчи корхоналарни аввалги тўрт йилдангига қараганда 47 миллион сўмлик қўи савло қилдилар.

Халқ ҳужалик вазидаларининг муваффақиятли ҳал этилиши, кўп жиҳатдан ижроия комитетининг таъинлотчилик ишлари даражасига таянган. Шаҳар ижроия комитети ўз депутатлари, бўлимлар ва бошқармалар, жамоат комитетлари фаолиятини активлаштириш соҳасида айрим ишлар қилди.

1969 йилда ижроия комитет мажлисларида муҳокама қилинган 310 масаланинг кўпчилиги доимий комитетлар томонидан таййерланди. Бу масалаларни муҳокама қилишда депутатлар ва шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.

Ижроия комитет ҳузурида маъмурий, кузатув, ўсирилар иши бўйича, уй-йўл ва бошқа комитетлар актив иш олиб бормоқдалар. Шунинг ҳам айтиш керакики, маҳалла-жамоатчи, турар-жой комитетлари ишига кўп нарсга боглиқ. Чунки шаҳар Совети ҳамда унинг ижроия комитети қабул қилган ва шаҳар фаровонлигини яхшилаш, сайловчилар нақазларини бажарилиши, йўл, медицина пунктлари, мактаблар, қурилиш, сув билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қарорлар ва бошқа тадбирлар улар орқали граждандарга етказилди. Маҳалла комитетлари ўз йиғилишларида граждандарни совет кучини қилиб масалалари билан таништиришмоқдалар, бу ҳақда ижроия комитет ҳузурида ўтказилган маҳалла комитетлари раислари семинарларида маълумот олмақдалар.

Қарорлар ижросини ушатириш ва текиририш ижросини тегилиб буюти фаолиятининг асосий маъмушири, — дейди докладчи. — ўзимиз қабул қилган ва юкори ташкилотлар чиқарган қарорларнинг ҳаммаси назорат остига олиниб, махсус дафтарга ёзиб борилади. Уларнинг ижроси текиририб турилади. 1970 йилда ижроия текиририш стенида жорий этилди. Бу — қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини вақтида кузатиб бориш ва қарор бўйича қилинган ишлар юзасидан маълумот олишда ёрдам беради. Қабул қилинган қарорлар ва уларнинг бажарилишини бўлимлар, бошқармалар депутат группалари орқали меҳнаткашларда вақтида етказиб турилади.

Қарорлар ва нақазларнинг бажарилишини текириришнинг энг таъсирчан формаларидан бири — сайловчилар олдига депутатлар ҳисоботидир. Бизда бундай ҳисоботларнинг ўтказиб турилганлиги яхши натижалар бермоқда. Сайловчиларнинг нақазларини бажарилишини текиририш мақсадида ижроия комитетда ўтган йили икки марта ва бу йил бир марта бўлиб, район бошқармалар ўзаро рейд ушатирилиб, текириришдан ўтказилди. Бу текириришлар вақтида маданият, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, архитектура бўлимларида иш юритиш бирмунча бўлиб олиб борилаётганлиги аниқланди, камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Меҳнаткашларнинг йўллар, электрлаштириш, газлаштириш, темир йўллар устидан ўтиш жойлари қурилишининг ёмон аҳолидалиги ҳақидаги аризалар ҳам доимий комитетлар томонидан текиририлиб, ижроия комитет қарори билан расмийлаштирилди. Натижада сув билан таъминлаш, газлаштириш борасидаги ариза ва, шикоятлар анча намайди. Бу тегилиш бошқармаларда иш бирмунча яхшилалиб бораётганлигидан далolat беради.

Докладчи ўртоқ В. Д. Лисин Олмалиқ шаҳар ижроия комитети таъшикий-оммавий ишларни бундан буюн янада яхшилаш чораларини кўради, юбилей йилини ҳам ма соҳада муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олиш учун курашади, деб сессия қатнашчиларини ишонтирди.

КПСС Марказий Комитетининг 1968 йилги «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишлари яхшилаш тўғрисида»ги қарори ҳамда шу қарор асосида СССР Олий Совети Президиумининг маҳаллий Советларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги Фармони, — деди докладчи, Бўка район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Р. Қ. Қодиров, — Советлар фаолиятига партия раҳбарлигининг ёрқин ифодалиги бўлди. Бу ҳужжатлар маҳаллий ҳокимият органлари роли ва бурҳини анча кўтарди, уларнинг фаолият доирасини кенгайтирди.

Бўка район ижроия комитети, посёлка ва қишлоқ Советлари партия ва ҳукуматининг қарорларини амалга ошира бориб, ўз ишларининг форма ва методларини тобора тақомиллаштиришмоқдалар. Доимий комитетлар, депутатлар ва жамоатчиликни ишга кенг жалб қилганда, колхозлар ва совхозлар, саноат корхоналари ва қурилишларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига дадил ва чуқур кириб борадиган бўлиб қолдилар. Кўпчилик қишлоқ Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ва доимий комитетлар колхозлар, бригадалар, чорвачилик фермаларида ишлаб чиқариш аҳолисини сингичлаб ўргатишмоқдалар. Колхоз Уставига риоя қилиш, ер, техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан назорат олиб бормоқдалар. Ямаот ишлаб чиқариш ширини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини таййерлаш яхшилаш соҳасида колхоз правленеларида, совхоз раҳбарларида қилганда ёрдам бермоқдалар.

Район маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари амалга ошираётган ана шундай ишлар саноат корхоналари ва транспорт, колхозлар ва совхозларда қурилишларнинг беш йиллик ҳамда йиллик планларини бажариш соҳасидаги фаолиятларини яхшилашда маълум даражада роль ўйнамоқда.

Беш йилликнинг тўрт йили ичда район саноат корхоналари янги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш бўйича давлат планларини ортиқ билан адо этиб кетмоқдалар. Райондаги пахта тозалаш заводлари тўрт йил мобайнида планга қўшимча 3 миллион 705 миң сўмлик янги маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Кейинги йилларда районда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бирмунча муваффақиятларга эришилди. Беш йилликнинг тўрт йилида пахта етиштириш ундан аввалги тўрт йилга нисбатан 42 миң тоннага кўпайди. Шу давр ичда он етиштириш 4,4 процент, сабзавот 63 процент, полиз маҳсулотлари 80 процент, гўшт 11 процент, сўт 36 процент ошди. Бирок, ўтган йилги районимиз планга нисбатан 12 миң тоннага янги кам пахта етиштирди.

Районимиз меҳнаткашлари бу йил 77 миң тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш, ўтган йили йўл қўйилган камчиликларини тугатиб, юбилей йилини катта ютуқлар билан аяқлаш мажбуриятини ошди.

Район Совети ва унинг ижроия комитети таъшикий-оммавий ишларни яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ёўл қурилиши, турар-жой, маданият-маиший объектлар қуриш, қилинди: атомларнинг парчалашишчи кўрсатиб берувчи радиоактивлик ҳодисаси, радионинг ташқаридан бўладиган энергиянинг таъсирини, ўз ўлидан парчалалиш, рентген нурулари, атом таркибиде бўлган ва атомдан бутунлай фарқ қиладиган ҳамда электр билан зарядланган зарра — электрон очилди. Электроннинг массаси доимий эмаслиги, ўзгарувчанлиги, электрон ва бошқа зарчаларнинг ҳаракат тезлиги 300.000 км секунга тенглиги аниқланди.

Ўз моҳияти ва оқибати жиҳатларидан революцион бўлган бу кашфиётлар таъсирида физикалр юксакор лунёкараш ва метод бўлган диалектик материализм нуқтаи назарига ўтишлари лозим эди. Шундангига янги кашфиётларни фалсафий жиҳатдан тўғри изохлаб бериш, чуқур назарий ҳудосалар чиқариш мумкин эди.

Пискент шаҳрини, район марказлари ва аҳоли яшайдиган пунктларини ободонлаштириш, мактаблар, медицина ва маданият-оқартув муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий ошватлаш корхоналари ишлари яхшилашга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда.

Бирок, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳали кўпгина камчиликлар бор. Район матлубот жамаияти союзи бир неча йилдирки, товар обороти планини бажармай келмоқда. Мактаблар, клублар ва бошқа хил маданият-маиший объектлар қурилиши оқсамоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ўсиб бораётган талабларга ҳали тўла жавоб бераётгани йўқ.

Район Совети ва унинг ижроия комитети ишда, — дейди докладчи, — таъшикий-оммавий ишлар, қабул қилинган қарорларнинг ижросини ушатириш ва текиририш, кадрларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, кўн Советлар ва бўлимлар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва бошқа масалалар алоҳида ўрин тутди. Район ижроия комитети иш планини тузишда ана шунга катта эътибор бермоқда. Бу ишга бўлимлар ва бошқармалар, доимий комитетлар, хўжалик таъшикотларнинг вакиллари кенг жалб этилмоқда.

Район ижроия комитети маҳаллий Советларининг фаолиятида ана шу демократик принципни изил тадбир этиб бориб, доимий комитетларнинг активлаштириш оширмоқда, район ижроия комитетининг қорхоналар, колхозлар ва совхозлар коллективлари олдига ўз иш юзасидан ҳисоботини ушатиришда, қишлоқ йиғилишларини ўтказиш турини тақриб қилмоқда. Бундай йиғилишларда Советларнинг муҳим қарорлари муҳокама қилиниб, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳал этилмоқда.

Посёлка ва қишлоқ Советларининг ишлари яхшилашнинг таъсирчан формаларидан бири Совет раҳбарлари ўқувини ташкил этишдир. Бунинг учун район ижроия комитети мунтаза семинарлар ўтказиб туради. Бу семинарларда совет қурилишининг турли масалалари бўйича қўланмалар берилиб, у ёни бу Советнинг ишлари текиририш материаллари таҳлил этиб кўрсатилади. Совет қўнлар, юкори органларнинг, шунингдек ўз қарорларининг ижросини назорат қилишни йўллари тушунтириб берилади.

Ҳаммага маълумки, таъшикий ишда ижроия текиририш энг асосий роль ўйнайди. Районимиздаги маҳаллий Советлар ишда бу соҳада кейинги йилларда бирмунча ўзгаришлар бўй бериб, Биз ўз қарорларимизни ижроичиларга вақтида етказиб туришга катта эътибор бермоқдамиз. Айрим қарорлар ёни фармойишларнинг қандай бажарилаётганлигини раҳбар ҳодимлар иштирокда район ижроия комитети томонидан муҳокама қилиш тақриб қилиб қўйилмоқда.

Кейинги йилларда СССР Министрлар Советининг 1968 йил 26 июндан қарори асосида посёлка ва қишлоқ Советларининг моддий-моявий базаси анча мустаҳкамланди. Икки йил ичда посёлка ва қишлоқ Советлари 15,9 миң сўмлик турли хил жиҳозлар сотиб олдилар. 9 қишлоқ Совети ижроия комитети ҳамда Пискент шаҳар ижроия комитети транспорт билан таъминланди. Бўка посёлка Совети учун янги бую, Муротали қишлоқ Советининг мажлислар зали қурилади.

Шунинг айтиб ўтиш керакики, — дейди докладчи, — шу йилнинг бошларида област партия комитети ва област ижроия комитетининг бир группа ҳодимлари районимиздаги маҳаллий Советлар фаолиятини текиририб, бир қанча камчиликларни аниқладилар. Доимий комитетлар, депутатлар группаси ишлари ташкил этиш, уларни Советлар фаолиятига жалб этиш, шунингдек, иш планида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини бораида ўз таъкидий мулохаазаларини айтдилар. Меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини қараб чиқиш, жамоат тартибини сақлаш соҳасида қатор камчиликлар борлигини таъкидладилар. Район ижроия комитети зарур тадбирларни ишлаб чиқди ҳамда уларни, амалга оширишга қаратди.

Бўка район ижроия комитети қишлоқ ва посёлка Советларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ўз фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тузатиш учун курашади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича зиммага олинган социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш учун курашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Сессияда област Советининг маданият-оқартув ишлари бўйича доимий комиссия раиси ўртоқ Ш. И. Тошқулов доимий комиссия иш тўғрисида ҳисобот берди.

Област маданият-оқартув муассасалари, — деди докладчи, КПСС XXIII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, партия ташкилотлари раҳбарлигида аҳолига маданият хизмат кўрсатишнинг янада яхшилаш йўлида бир қатор ютуқларини қўлга киритди. Маданият-оқартув муассасалар тармоқлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир областимизда 491 та клуб, маданият уйи ва саройлар, 4 миллион 880 миң китоб фондига эга бўлган 635 та кутубхона ишлаб турибди. Давлат ва касба союзи кино тармоқларида 97 та кинотеатр, 357 та курилма ва 69 та кўча кино мавжуд. Ўтган йили 3 та колхоз, 4 та қишлоқ клуби, маданият министрлиги системасида 40 та кутубхона янгида очилди. Бу кутубхонанинг 3 таси шаҳарларда, 37 таси қишлоқларда таъкил этилди. Бундан ташқари, 17 та кутубхона янги шинама биноларга кўчирилди.

Ҳозирги пайтда Бекбод шаҳрида 50 миң китоб ситидиган типовой кутубхона қурилиш ишлари етай деб қолди. Ангрен шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг ташаббуси билан кўп қаватли бинолардан 1 миң 200 квадрат метр ҳажмдаги хона шаҳар кутубхоналарига ажратиб берилди. Бўстонлиқ район партия комитети ва ижроия комитети ҳам кутубхона ва клубларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш алоҳида эътибор бермоқда. Газалик шаҳрида янги кутубхона қурилиш бошлаб қўрилди. Орқонқизилде район, Дурмон посёлкасида 200 ўринли типовой кинотеатр биноси қурилди. Бу йил Паркент, Газалик ва Янгиёул районининг Олмасор посёлкасида кенг экранили кири кинотеатр қурилиши олиб боришмоқда.

Област маданият-оқартув муассасалари, айниқса, ўтган хўжалик йилида пахта ҳосилини йиғиб-тегириб олишда бевосита иштирок этиш билан бирга, пахтакорларга маданият хизмат кўрсатиш ишлари намунали ташкил этишди. Област кутубхоналари доҳимиз В. И. Ленин тугилган кунини муносиб кутиб олиш мақсадида омма ўртаклида Ленин меросини кенг пропанда қилишга алоҳида эътибор беришмоқда.

Юкори Чирчик районидида «Политдел» колхозини, Оққўрғон районидида Дмитров номли колхоз клубларида ўтказилган Совет Болгар дўстлиги кечалари, Ўзбекистон Демократик Республикаси студентлари билан бўлган ўрашувчи қишлоқ меҳнаткашлари қалбига ўчмас из қолдирди.

Ленин, бу соҳада олиб бораётган ишларини халқимизнинг бунинг талабларини тўла қондира олмайди. Шунинг ачиниш билан қайд қилиб ўтиш керакики, районларнинг энг олис участкаларида яшовчи аҳолига китоб етказиб бериш, уларга маданият хизмат кўрсатиш яхши ташкил этилмаган.

Совет кино санъати омманинг коммунистик онгини шакллантиришда партияимизнинг қудратли қуроли ҳисобланади. Аммо, айрим киши раҳбарлари ўзларига йиғилган ана шу катта ишовини чуқур ҳис этишмапти. Шунинг оқибатида бир қатор шаҳар ва районлардаги кино тармоқлари иши бир меерда ташкил этилмаган. Ҳақтоки, областимизнинг кўпгина аҳоли яшайдиган пунктлари ҳали ҳам кино қурилмаларига эга эмас. Уларга фақат кўча кино воситаси билан хизмат қилиб келинмоқда. Масалан, Бўка районидида 120 та йирк аҳоли пунктидан атиги 16 тасида 16 та стационар кино қурилма ишлаб турибди. Хўш, бунинг нормал ҳол деб бўладими? Асло йўқ. Шу районнинг Пискент асосийдаги Охунбоев номли, Ленин номли, Қалинин номли, Ленинобод колхозларида меҳнат



АНГРЕН қўшар қонда «Юра олтин» қазиб чиқаришнинг аниқ кўпайтириш учун Оҳанга рон дарёсини бошқа ўзига буриш ишлари тугатилди. Бу ерда Москвадан қўйлаб метро курувчилар келиб иш лаши. Улар қудратли механизмлар ёрдамида туннели мўддатидан олти ой илгари қуриб битказдилар. Суратда: нешқадам комплекс бригада бошлиги Павел Энис, у туннел қурилишида фидокорона меҳнат қилди.

В. Лейзерович фотоси, ЎзТАГ.

БИР ИШЧИ—БЕШ СТАНОКДА

Пойтахтимиздаги экскаватор заводининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Раҳим Йўлдошев доҳимиз В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги шарафига аjoyиб ташаббус боси болади. У раҳбарлик қилаётган бригада беш йиллик юзасидан ўз зиммасига олган топириқни мўддатидан илгари муваффақиятли адо этган эди.

Коммунистик меҳнат зарбодини Раҳим Йўлдошев доҳий юбилейига меҳнат аруғонини янада қўпайтиришга аҳд қилиб, иккинчи касб-фрезерловчилик касбини ҳам эгаллади. Моҳир токар ўз станогидан ташқари яна турта фрезерлик станогини ҳам муваффақиятли бошқармоқда.

А. ҲАМИДОВ.



УРТА Осиёда умумий турар жой майдони 20 миң 500 навад метр бўлган иккита энг йирин бинолар Тошкентда мўддатидан бир йил олдин қуриб битказилди. Москвадан тўхфа этган бу биноларга 400 дан кўпроқ оила кўчиб кирди.

Г. ПУН фотоси, ЎзТАГ.

ЎҚУВЧИЛАР ТАРАДДУДИ

Пойтахтимиздаги Бўдённий номли 111-ўрта мактабнинг ўқувчилари ва ўқувчилар пролетариатининг улуғ доҳийси ва йўлбошчиси В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги тўғига катта таралуд турмоқдалар. Ленинча ўқиниш ва меҳнат қилиш ҳар бир ўқувчининг шioriға айланган.

Мактаб музейи экспонатларига бой. Музей жойлашган ҳовда дид билан безатилган. Доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи фотосуратлар қўлга ташланади. Бу ерга қўйилган макетлар ҳам

Ж. РАХМАТОВ.



В. И. ЛЕНИН ВА ТАБИАТШУНОСЛИКНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ленин—ўз замонидаги табиёт муваффақиятларини, улкан илмий революция муқаддимасини кўрган, табиатнинг улуғ тадқиқотчилари қилган улкан кашфиётларнинг революцион моҳиятини очиб, фалсафий жиҳатдан умумлаштириш бера олган асрнинг биринчи мутафаккиридир.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин тугилган кунининг 100 йиллигига» Тезисларида).

В. И. Ленин ўзининг ўқувчанлиги, сўнг студентлик давларидаёқ табиатшуносликка қизиқа бошлаган физика, математика, химия, астрономия, биология ва бошқа табиий фанларини эўр иштиёб билан ўргана бошлаган эди. Студентлик даврида ва ундан кейинги йилларда унинг табиёт илмига қизиқиши гоят ошди.

В. И. Ленин XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида табиатшуносликка бўй берган энг янги кашфиётларни хар томонлама илмий-таъкидий анализ қилди ва фалсафий жиҳатдан умумлаштириб берди.

Ўтган асрнинг охири ва асримизнинг бошларида физика фанида буюк революцион кашфиётлар қилинди: атомларнинг парчалашишчи кўрсатиб берувчи радиоактивлик ҳодисаси, радионинг ташқаридан бўладиган энергиянинг таъсирини, ўз ўлидан парчалалиш, рентген нурулари, атом таркибиде бўлган ва атомдан бутунлай фарқ қиладиган ҳамда электр билан зарядланган зарра — электрон очилди. Электроннинг массаси доимий эмаслиги, ўзгарувчанлиги, электрон ва бошқа зарчаларнинг ҳаракат тезлиги 300.000 км секунга тенглиги аниқланди.

Ўз моҳияти ва оқибати жиҳатларидан революцион бўлган бу кашфиётлар таъсирида физикалр юксакор лунёкараш ва метод бўлган диалектик материализм нуқтаи назарига ўтишлари лозим эди. Шундангига янги кашфиётларни фалсафий жиҳатдан тўғри изохлаб бериш, чуқур назарий ҳудосалар чиқариш мумкин эди.

Ленин, физикалр империализм шароитида диалектик материализм маъкега ўталомадилар, уларнинг айримлари эса ампирикритицизм», Ўзда в а н ш р, Тошкент, 1950 йил, 282-бет).

В. И. Ленин табиатшуносликдаги кризиснинг соиал ва гносеологик алдизлари мавжудлигини қайд қилган ва уларни тушунтириб берган. Кризиснинг соиал алдизлари, Лениннинг таъкидлашича, империализм системаси ҳамда сиёсий ва идеологик реакция билан чамбарчас боглиқ бўлган.

Маълумки, империализм даврида реакция гоят кучайди ва ижтимоий ҳаётини барча соҳаларга, ижтимоий онгини ҳамма шаклларида ўз аҳарли таъсирини ўтказди. Бундай соиал муҳит ўз бағрида яшаган ва ишлаган табиатшуносларда фидеизм, гонимий таъкидларни, таъкидларни, таъкидларни ва идеализм томоғига мойиллик турдилади. Бу ҳақда

Ленин бундай деб ёзган эди: «...бу кишилар (физикалр — А. О. М. Ф.) ҳаёт кечираётган бутун вазири уларни Маркс ва Энгельсдан йироқлаштириб, беурд расмий фалсафанинг қуноғига ташлайди». (В. И. Ленин, ўша асар, 288-бет).

Кризиснинг гносеологик алдизлари, Лениннинг ўқитиришча, давтавал-физиканинг математика руҳига «асир» бўлиб қолганлигидан, материянинг фалсафий таълими билан унинг структураси, яъни ички тузиллиги ҳақидаги табиий-илмий тасаввурлар ўртаклида таъфотути ҳисобга олмасликландир.

Физикада математикани кенг қўлланиш зарурий ва прогрессив ҳолдир. Мураккаб миқдорий муносабатлар, хилма-хил сифатлар, зарур алоқаларни турли-туман моддий объектларнинг фазо-вақт ҳусусиятларини анализ қилишда

математикани кенг қўлланиш талаб қилинади. Хилма-хил физик текириришларда математик анализ методлари қўллаб қўлланилмоқда ва илмий тадқиқотларини буларези муваффақиятли олиб бориш қилин. Шунинг учун ҳам Маркс фан математикани фойдалана олгандагина тақомиллашди, деб ўқитган.

Математика инсбийлик назарияси. Квант физикасининг вужудга келиши ва ривожланишига шарт-шароят яратди. Давримизнинг буюк мутафаккирлари назор этган физикалр кўра, ҳозирги шароитда физика ва бошқа тадбиий фанларни математикага таянган ҳолдагина ундан усталик билан фойдаланилгандагина янада тараққий этириш мумкин. Математика ҳозирги замон инженер техникасининг қитъалараро баллистик ракеталари, Ернинг сунуий йўлдошлари, космик кемаларини яратишда, одамни космосга, ойга чиқариш, ерга муваффақиятли қайтиб тушириш соҳасидаги ғалабаларни таъминлади. Физикада математикадан кенг


ОНА- ВАТАН БҮЙЛАБ

[illegible]

И. ЮСУПОВ.

биздан кутқиб қоллиша, қара
таш қилдилар. Хатто ўзини қор
ларидан 3 оғко олдиға ўти
олиша мунаффақ бўлидиган.
Лекин тошқентлик волейболчи
лар ҳам қараб туршмидилар.
Улар 10:13 ҳисобда юзтази
туршларига қарамай, ўзинда
бурилиш дасига мунаффақ
бўлидилар ва 15:13 ҳисобидан
яна голлиб чиқдилар. Қизғин
қасқин спорт кураши остида ў
ғал учрашув 3:1 ҳисобда ҳам
шаҳарларимиз фойдасига ҳа
бўлди. Мусобақалар давом эт
монда.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ»
ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/III да
Учинчи орзу, 26/III да Освенци
жалледлари.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —
«СУВДАГИ ЖОЗИБАЛАР» янги
аттракцион.



Нью-Йоркнинг Бронкс райони
Детройт, Филадельфия, Нью-
Йорк (Нью-Жерси штати), Акрон
(Огайо штати) Миннеаполис
(Миннесота штати) ва бош-
қалла бир қанча шаҳарларнинг поч-
та ходимлари неча забастовка
давом эттиришни ёқдаб ош-
қорилган.